

## БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ – АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ФАРОВОНЛИГИДИР

*Жўраева Шахло Учқун қизи*

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

*Инсон ресурсларини бошқариш*

*кафедраси таянч докторанти*

Мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг бош мақсади юртимиз бўйлаб, жумладан, энг чекка ҳудудларда ҳам аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, ҳамда муносиб турмуш шароитини таъминлашдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 11 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон–2030” стратегияси тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон-2030” стратегиясини 2023 йилда ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги[1] қароридаги 5 та асосий ғоянинг 4 таси бевосита айнан аҳоли манфаатлари ва турмуш даражасини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, ушбу бошланган эзгу ишларни келажакда юқори босқичга олиб чиқишда муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Хусусан, келгуси етти йилликда иқтисодиёт ҳажмини 2 карра кўпайтириш, тиббий ёрдамга муҳтож аҳолининг 70 фоиз қисмини бирламчи бўғиннинг ўзида ҳал этиш, камбағалликни икки карра камайтириш ва ривожланган давлатлар қаторига кириш асосий мақсад қилиб белгиланган. Бунда 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга ва аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг долларга етказиш мўлжалланган[1].

Иқтисодий ўсиш аҳоли турмуш даражаси, сифати ва фаровонлигини юксалтиришга, инсон манфаатларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади, унинг иқтисодий таянчи ҳисобланади. Унга тўлиқроқ таъриф берадиган бўлсак, иқтисодий ўсиш – бу мамлакат иқтисодиёти муайян давр мобайнида (одатда бир йил) миллий иқтисодиёт ишлаб чиқариш ҳажмининг аҳоли жон бошига нисбатан ёки умумий иқтисодиётга нисбатан ортишидир. Иқтисодий ўсиш жараёни таҳлилининг вақт доирасидаги чекланганлигидан келиб чиқиб, иқтисодий ўсиш мақсадининг икки даражасини фарқлаш зарур: асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши ва аҳоли турмуш даражасининг ўзгариши. Мамлакат макроиқтисодий барқарорликнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат[2]:

1. Иқтисодий ўсиш;
2. Тўла иш билан бандлик;
3. Нархлар даражасининг барқарорлиги (инфляция);
4. Бақувват тўлов баланси;
5. Хорижий валюта алмашув курсининг барқарорлиги;
6. Давлат бюджети камомадининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан уч фоиздан ошиб кетмаслиги;

## 7. Даромадлар тақсимланиши муаммоси.

Иқтисодий ўсиш суръатлари таҳлил қилинганда, унинг мезонларига ва энг аввало сифат кўрсаткичларига кўпроқ эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай ўсишлар иқтисодиётимизда юз бераётган таркибий ўзгаришлар, унинг изчил ва барқарор ривожини учун хизмат қилиши, ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга, бир сўз билан айтганда, амалий ҳаётимизни яхшилашга олиб келиши лозим.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда меҳнат бозорида бир қатор ижобий ўзгаришлар рўй берди, хусусан, иш билан банд бўлганлар сонининг 1,5 баробарга, иш берувчилар сони 4,5 баробарга ошган. Меҳнат бозоридаги конъюнктура ўзгариши иқтисодий ўсишга ёки уни пасайишига ҳам таъсир кўрсатади[3].

## 1-жадвал

### Ўзбекистонда меҳнат ресурслари сони

Меҳнат ресурслари сони	
Қорақалпоғистон Республикаси	1 074,6 минг киши
Андижон	1777,9 минг киши
Бухоро	1073,4 минг киши
Жиззах	791,1 минг киши
Қашқадарё	1819,3 минг киши
Навоий	570,2 минг киши
Наманган	1592,8 минг киши
Самарқанд	2160,4 минг киши
Сурхондарё	1469 минг киши
Сирдарё	487,2 минг киши
Тошкент	1616,3 минг киши
Фарғона	2095,5 минг киши
Хоразм	1050,1 минг киши
Тошкент ш.	1916,8 минг киши

Статистика агентлигининг маълумотларига кўра, 2022 йилда Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурслари сони 19494 минг кишини ташкил этган бўлиб, мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан таққосланганда 0,8 фоизга кўпайган. Республикада худудлари орасида энг кўп меҳнат ресурслари Самарқанд вилоятига тўғри келган ҳамда республикадаги жами меҳнат ресурслари сонига нисбатан улуши 11,1 фоизни ташкил этган. Энг паст кўрсаткичлар эса Навоий (570,2 минг) ва Жиззах (791,1 минг) вилоятларига тўғри келмоқда.

Барчага маълумки, мамлакат миллий иқтисодиётининг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири, бу ялпи ички маҳсулотдир. 2023 йилнинг 1-чорагида Ўзбекистон ЯИМ 5,5 фоизга ўсди, шунингдек макроиқтисодий ривожланиш прогнозларига кўра, I чоракда ЯИМ ўсишининг маълум даражада секинлашиши бўйича эҳтимоллик юқори экани қайд этилиб, 2023 йил якунида Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиши

4,5–5 фоизга ва йиллик инфляция 8,5–9,5 фоиз доирасида шаклланиши прогноз қилинмоқда. Инфляция эса 2,4 фоизгача пасайди (2022 йилда — 2,9 фоиз). Асосан озиқ-овқат маҳсулотлари нархи — 3,4 фоиз (4,4 фоиз), ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархи 1,6 фоиз (2,1%), пуллик хизматлар нархи 1,6 фоиз (1,5 фоиз)га ўсди. Статистика агентлигининг дастлабки маълумотларига кўра, 2023 йилнинг январь-март ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган ялпи ички маҳсулот ҳажми 5,5 млн сўмни ташкил этган[4].

## 2-жадвал

### Аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми

Йиллар кесимида аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми	
2021 йил январь/март	3,9 млн сўм
2022 йил январь/март	4,7 млн сўм
2023 йил январь/март	5,5 млн сўм

**Манба:** Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан яратилган.

Жадвалда келтирилган маълумотларга қарайдиган бўлсак, 2021 йил январь-март ойларида аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот 3,9 млн сўмни, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 4,7 млн. ни ташкил этган ва 2021 йилга қараганда 0,8 млн. га ошган ва 2023 йил январь-март мобайнида эса 5,5 млн. ни ташкил этиб 2022 йилга нисбатан 0,8 млн. га кўпайган. Жадвал маълумотлари таҳлилидан билиш мумкинки йиллар мобайнида аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми камаймаган, аксинча, йил сайин бир ҳил кўрсаткичда ошиб борган[5]. Албатта бунинг натижасида аҳоли турмуш фаровонлиги яхшиланиб, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиб бормоқда.



**1-расм. ЯИМнинг ўсиш суръатлари**

Юқорида келтирилган диаграммадан кўриниб турганидек, 2023 йилнинг январь-июнь ойларида ЯИМнинг ўсиш суръатлари 105,6 % ни, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан эса 106,0 % ни ташкил этди. Албатта макроиқтисодий кўрсаткичларни мунтазам таҳлил ва прогноз қилиш мамлакатимиз иқтисодиётига қайсидир маънода ижобий таъсир қилади[5].

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишининг муҳим омиллари сифатида қуйидагиларни эътиборга олиш тавсия этилади:

-барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини оширишда давлат кўмагини кенгайтириш;

-иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини янада такомиллаштириш;

-мамлакатимизга ички ва ташқи инвестицияларни жалб этиш механизмларини такомиллаштириш;

-мамлакатнинг барча ҳудудларида корхоналар яратиш ва кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2023 йилда ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори 11.09.2023.*

2. *Ситмуратов Ш.Т. Иқтисодий ўсишнинг моҳияти ва моделлари. «ORIENT ART AND CULTURE» илмий-методик журнали. «Ўзбекистонда илм-фан ва таълим» №2-сонли конференция тўплами, 2020.*

3. *Янги Ўзбекистон <https://yuz.uz>*

4. *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари.[4]*

5. *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан яратилган.*

## **ТИКУВ-ТРИКОТАЖ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО САВДОСИДА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУРИЯТИ**

**Дўстмирзаев Фарҳод**

*Тошкент тўқимачилик ва енгил  
саноат институти ўқитувчиси*

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиёт очиқлигини ошириш жараёнида республиканинг жаҳон савдосига интеграллашувини ва импорт оқилоналигини ошириш, ташқи ва ички бозорда миллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини таъминлаш шароитларини яратиш долзарб маъно касб этади. Ташқи савдо иқтисоди муаммолари кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилган бўлсада, аммо бу соҳада халқаро маркетинг тамойилларидан фойдаланиш масаласи етарлича ўрганилмаган.

Тикув-трикотаж маҳсулотлари бозори бошқа бозорлардан ўзининг маҳсулотлар турининг хилма-хиллиги, истеъмолчилари хатти-ҳаракатининг ўзига хослиги, модага муносабатнинг ўзгачалиги, уларнинг географик, миллий, тарихий, минтақавий хусусиятлари билан ажралиб